

ОКСИДЛАНГАН АЦЕТИЛЦЕЛЛЮЛОЗАНИНГ ИЗОНИАЗИД БИЛАН ЎЗARO TAЪСИРИНИ ЎРГАНИШ

Х.Қ. Олимов, О. Султонқулов, А. Каримов, М.А. Тожиев, Ш.М.Турабоев

Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш., Ўзбекистон Республикаси.

Ишнинг мақсади: доривор препаратларнинг самарадорлигини оширишнинг истикболли усулларидан бири – уларни полимер моддалар билан модифика-циялашдир. Бошқа дори препаратларидан полимерга уланган дориларнинг устунлиги – улар таъсир доирасининг маълум жойига йўналтирилганлиги, кам миқдорда ишлатилиши, захарлилик хусусиятларининг камайиши ва таъсир вақтининг узайтирилганлигидадир.

Усуллар: Юқори малекуляр объект сифатида целлюлозанинг мураккаб эфири - оксидланган ацетилцеллюлоза олинди. Доривор модда сифатида анти-туберкулёз препаратлари вакили изониазид олинди.

Натижалар: оксидланган ацетилцеллюлоза изониазид билан кимёвий бирикма Шифф асоси ҳосил қилади. Модданинг ИК – спектридаги 1680 см^{-1} катталиқ унда – $\text{N}=\text{C}=\text{}$ (азометин) боғи ҳосил бўлганлигини кўрсатади.

Реакция қуйидагича олиб борилади: дастлаб сувда эрувчан оксидланган ацетилцеллюлоза лаборатория шароитида ацетилцеллюлозанинг HIO_4 билан ўзаро таъсирлашуви орқали олинади. Сўнгра тайёрлаб қўйилган полимер модданинг 1 ва 2 % - ли эритмасига аралаштирилиб изониазид қўшилади. Аралашма суюлтирилган хлорид кислотасига ёки сирка кислотасига иштирокида 3 соат мобайнида 40°C атрофида қиздирилади. Ҳосил бўлган гомоген эритма-дан ацетон ёки изопропил спирти ёрдамида янги биофаол бирикма чўктирилади. Оз миқдорда эритувчи билан ювилади ва эксикаторда қуритилади. Оксидланган ацетилцеллюлоза ва изониазид берган Шифф асосининг антибактериал синовлари шуни кўрсатдики, янги олинган маҳсулот айрим гамма манфий ва гамма мусбат бактерияларга қарши бактериостатик фаолликка эга экан.

Хулоса: оксидланган ацетилцеллюлоза ва изониазид асосида олинган Шифф асосининг антибактериал фаоллигини ўрганиш унинг бактериостатик хоссага эга эканлиги аниқланди.